

Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!



Vaziyat

2021 йил
21 октябрь
№ 42 (827)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

21 октябрь –
Ўзбек тили байрами куни

ОНА ТИЛИМ



Сен менингсан тану жон тилим,
Дил кўзгуси – жонажон тилим.
Саждагоҳим, Каъбамсан ўзинг,
Она тилим – онажон тилим.

Сен-ла уйғоқ шуурим менинг,
Ифтихорим, ғурурим менинг.
Завқим-шавқим, сурурим менинг,
Она тилим – онажон тилим.

Забоним – кўкдаги ой тилим,
Гўзал шеваларга бой тилим.
Томиримда оққан сой тилим,
Она тилим – онажон тилим.

Сен туйфайли ўзбек халқи бор,
Эллик милён қалба ғурур, ор,
Тилини йўқотган бўлур хор,
Она тилим – онажон тилим.

Шавкатимсан, шонимсан ўзинг,
Нуфузимсан, шаънимсан ўзинг,
Ҳақ қадарлик маънимсан ўзинг,
Она тилим – онажон тилим.

Сенсан қора кўзлар гавҳари,
Дунё тилларининг сарвари,
Туркий тиллар - хукминг навқари,
Она тилим – онажон тилим.

Ўзингсан-ей, борлигим-борим,
Бор вужудим, номусим-орим,
Тиллар ичра чаман гулзорим,
Она тилим – онажон тилим.

Беназирсан, бебаҳо тилим,
Сен коинотда танҳо тилим,
Куйдай майин, хушнаво тилим,
Она тилим – онажон тилим.

Чўнг қадринг улуғ саботимсан,
Умрим безаган баётимсан,
Жону жаҳоним, ҳаётимсан,
Она тилим – онажон тилим.

Бош минбарни забт этиб сасинг,
Олам аро кезар нафасинг,
Дунёларни чулғар ҳавасинг,
Она тилим – онажон тилим.

Сен борсанки, гўзал бу ҳаёт,
Қайғу-алам мангу менга ёт.
Сен бор – қалба қуйилар ижод,
Она тилим – онажон тилим!



Азамат СУЮН

ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИДА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ

Энг кенг тарқалган сайлов тизимларидан бири, бу – мажоритар (majorite сўзи француз тилидан кўпчилик деган маънони билдиради) сайлов тизими бўлиб, бу тизимда сайлов натижаларини аниқлашда кўпчилик овоз принцигига асосланади. Мажоритар сайлов тизими ўз навбатида мутлақ, малакали ва нисбий кўпчилик овозига асосланган сайлов тизимларига бўлинади. Кўпчилик давлатлар сайловлар турига боғлиқ равишда у ёки бу тизимлардан фойдаланадилар.

Мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларини бирлаштириш принцигига асосланган аралаш сайлов тизими мавжуддир.

Бу тизим Германия, Италия, Япония, Гвинея, Албания, Жанубий Корея, Литва, Сомали ва Тайван каби давлатларда, МДХ доирасида эса Арманистон, Озарбайжон, Грузия давлатларида амал қилади.

Хорижий мамлакатларда икки палатали парламентда палаталарни бири умумхалқ вакиллиги принцигига бўлади. Унинг депутатлари ҳудудий сайлов округлари бўйича сайланади. Давлатнинг ҳудуди шундай округларга тақсимланади (мажоритар сайлов тизими) ёки пропорционал (мутаносиб) сайлов тизими бўйича, яъни сиёсий партиялар ва ҳаракатлар таклиф этган рўйхатлар бўйича ёхуд аралаш тизим бўйича сайлаш ўтказилади.

Россия Федерациясида 2005 йилгача аралаш сайлов

тизими, яъни сиёсий партияларнинг рўйхатига асосланган пропорционал вакиллик ва мажоритар тизимнинг оддий, кўпчилик овозига асосланган тизим амал қилган. Унга кўра, Давлат Думасининг 450 депутатидан 225 таси бир мандатли сайлов округларидан мажоритар усулда сайланса, қолган 225 депутат пропорционал вакиллик асосида сайланади. Бунда эски тахрирдаги Россия Федерациясининг "Россия Федерал Кенгаши Давлат Думасига депутатларнинг сайлови тўғрисида"ги федерал қонуннинг 13-моддасига биноан Федерация ҳудуди ягона сайлов округига айлантирилган. Бунда, ҳар бир партия ўз номзодлари рўйхатини тузади ва бу рўйхатга кирган номзод бир мандатли сайлов округида ўтказилади-ган сайловда ҳам қатнашиши мумкин бўлган. Бунинг учун номзоднинг федерал сайлов округига ҳам, бир мандатли сайлов округига ҳам айнан бир сайлов бирлашмасидан

ёки сайлов блокидан кўрсатилиши шарт қилиб қўйилган. Натижада федерал округ бўйича пропорционал сайлов асосида ютиб чиққан партия яна бир қўшимча мандатга эга бўлган. Бунда мандатлар тақсимлашига федерал округ бўйича 5 фоизлик чегарага етган ва ундан ошган партияларгина қўйилган. Ҳозирда парламент сайловида Россия аралаш тизимдан воз кечиби, пропорционал тизимни афзал кўрган.

Аралаш тизимнинг қўлланилиши икки турдаги депутатларнинг сайланишига олиб келади. Биринчиси, сайлов округидаги сайловчилар билан яқиндан боғлиқ бўлган депутат бўлиб, ўз сайловчилари олдида ўз масъулиятини сезади. Иккинчиси, партия рўйхати воситасида сайланган депутат бўлиб, у маълум округ сайловчиларига унча таниш бўлмаслиги мумкин. Чунки сайловчи овоз берганда алоҳида номзод учун эмас, балки партия рўйхати учун овоз беради. Натижада сайланган депутат муайян сайлов округи сайловчилари олдида эмас, балки уни рўйхатга киритган партия раҳбарлари олдида ўзини ҳисобдор сезади.

Р.ОБИДОВ,
Жамоатчилик хавфсизлиги
университети
Жинойят-ҳуқуқий фанлар
кафедраси доценти.

САХОВАТ ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси томонидан "Мурувват уйлари"да истиқомат қилаётган қарияларимиз, ёлғиз яшовчи нуруний отахон ва оналар ҳолидан хабар олиш, уларга қўмак бериш анъанага айланган.

Наманган ҳарбий прокуратураси ходимлари Поп туманидаги ногиронлиги бўлган шахслар учун ташкил қилинган "Эркаклар интернат уйи"да бўлишди.

Уларга тақдим этилган совға-саломлар, ҳарбий оркестр томонидан куйланган куй ва кўшиқлар нурунийларга яхши юқори кайфият бағишлади.

Чирчиқ ҳарбий прокуратураси томонидан чегара олди ҳудудларда яшовчи аҳолининг муаммо ва таклифлари мунтазам равишда ўрганилиб, бу ҳудудларда яшовчи эҳтиёжманд оила ва қарияларга ёрдам бериб келинмоқда.

Ҳарбий прокуратура ходимлари Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Янги авлод" маҳалласида яшовчи Р.Абдуқодировнинг яшаш уйида ҳам бўлишиб, унинг фарзанди Л.Абдуқодировга махсус ногиронлар аравачаси ва совға-саломлар топширишди.

Ҳарбий прокуратура органлари томонидан бу каби эзгу ишлар давом эттирилмоқда.

Султонмурод ҚАЛЕНДЕРОВ,
Чирчиқ ҳарбий прокурори
катта ёрдамчиси.



Самарқанд вилояти ФВБда "Қонун ва адолат – устувор, жиноятга жазо муқаррар" шиори остида "Биз коррупцияга қаршимиз!" мавзусида ўқув семинари ўтказилди.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ

Унда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари, Самарқанд ҳарбий прокурори, вилоят ФВБ ҳудудий ва таркибий бўлими бошлиқлари ҳамда ёнғин-қутқарув қисм бошлиқлари иштирок этишди.

Тадбирда ФВБ масъул ходими сўз олиб, Қуролли кучлар тизимига кирувчи бўлинмаларда шахсий хавфсизлик бошқармалари Президент фармонларига асосан ташкил этилганлиги ва ушбу тизимга кирувчи бўлинмалар доимий ҳамкорликда ишлаши юзасидан тушунчалар берди. Бугунги кунда вазирлик тизимида содир этилган қонунбузарлик, коррупция ҳолатларига тўхталиб, шахсий таркибга коррупциянинг оғир оқибатлари, жиноятга жазо муқаррар эканлигини тушунтирди.

Самарқанд ҳарбий прокурори вилоятда содир этилаётган жиноятлар, хусусан коррупциявий характерга эга бўлган жиноятларга алоҳида тўхталиб ўтди. Ҳуқуқий маслаҳат бўйича Самарқанд ҳарбий прокуратураси доимо ҳамкорликка тайёр эканлиги, шахсий таркиб томонидан туну кун мурожаат қилиш мумкинлиги айтиб ўтилди.

Семинар давомида бошқарма шахсий таркиби орасидаги руҳий муҳитга таъсир кўрсатмаслик, хизмат давомида фуқароларнинг ишларини ҳал этиш, тамағирлик ва порахўрлик қилмаслик, вазирлик шаънига путур етказувчи ҳаракатларни содир этмаслик, шунингдек, экстремистик материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва намойиш этиш, экстремизм ва терроризмга қарши курашиш ҳар бир ходимнинг бурчи эканлиги айтиб ўтилди.

Ф.УБАЕВ,
Самарқанд вилояти ФВБ
шахсий хавфсизлик бўлими
бошлиғи, капитан.

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ўқиб-ўрганиши, таълим олиши ва келажакда жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси томонидан прокуратура органлари ташкил этилганининг 30 йиллиги арафасида ҳарбий прокуратура органларида "Очиқ эшиклар куни" ўтказилди.

Жумладан, Бухоро ҳарбий прокуратураси томонидан 25-умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳарбий прокуратурага таклиф қилиниб, ҳарбий оркестр садолари остида кутиб олинди ва прокурор-тергов



ҳодимлари билан бирга давлатимиз мадҳиясини ижро этишди.

Шундан сўнг ўқувчилар ҳарбий прокурор бошчилигида ҳарбий прокуратура биносида ҳарбий проку-

рор ўринбосари, ёрдамчи, терговчи, криминалистика хоналари, девонхона фаолияти билан танишдилар.

Экскурсия давомида ҳарбий прокурор хизмат хонасида бўлган ёш

авлодга "Ҳарбий прокурор ўрнида бир кун" бўлиш имкони яратилиб, ўқувчилар прокурор сифатида шахсий таркиб билан мажлислар ўтказиш, уларга кўрсатмалар бериш, кунлик ишлар билан танишиш имкониятига эга бўлишди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг шаклланиш тарихи ҳақида маълумотлар берилди. Ҳарбий прокуратура тарихини иштиёқ билан ўрганган ўқувчи ёшлар прокурор-тергов ходимларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишиб, керакли жавоблар олишди.

Тадбир якунида ҳарбий прокуратурага ташриф буюрган ўқувчиларга китоблар жамланмаси совға қилинди.

Жавҳарбек СОБИРОВ,
Бухоро ҳарбий прокурори.

ФАХРИЙ МЕҲМОН

Янги Ўзбекистонда янги корхона, спорт мажмуаси, мактаб ёки мактабгача таълим муассасалари жуда тез фурсатларда қад ростлаяпти. Айни шу манзараларни кўз ўнгимизда гавдаланиши, аввало, тинчлик, фаровонликнинг натижаси.

Ёши улуғларнинг фидойиликлари бизга ана шундай осойишталик деган қутлуғ бир неъматни берди. Уларнинг катта ҳаёт тажрибаси ёшлар учун чин маънода ибрат мактабидир.

Зеро, халқимиз бундай фидойиларни ҳеч қачон унутмаслигини, шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаро жудаям яхши билади. Уч авлод вакиллари билан ўтаётган учрашувларда бу жиҳатларнинг барчаси ёшларга, албатта, тўлақонли сингдирилиб бормоқда. Ҳаётнинг пасту баланд йўлларини босиб ўтган нурунийлар тажрибаси, пурмаъно ўғитлари ёшлар учун ибрат мактабини ўтапти.

Мамлакатимизда тинчликни мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, кексаларни эъзозлаш, эртаимиз эгалари бўлмиш ёшларни баркамол қилиб вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, буюк аждодларга муносиб бўлиш, юртимиз тараққиётига дахлдорлик туйғуси билан яшаш ҳар биримиз, айниқса, ёшларнинг муқаддас бурчидир.

ФВВ Академияси ҳузуридаги Фу-

қаро муҳофазаси институтининг Сафарбарлик тайёргарлиги кафедраси томонидан ташкиллаштирилган “Уч авлод учрашуви”га ўз вақтида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, сўнгра Фавқулодда вазиятлар вазири бўлиб фаолият кўрсатган истеъфодаги генерал-полковник Рустам Ўрмонович Аҳмедов тақлиф этилди. Учрашув давомида истеъфодаги генерал-полковник ўзининг босиб ўтган хизмат фаолияти ҳақида сўз юритар экан, бугунги кунда давлатимиз томонидан ҳарбийларга яратилаётган барча шароитлар ва имкониятлар хусусида тўлқинланиб гапирди.

Учрашувда институт профессор-ўқитувчилари, хизматчилари ҳамда Қибрай туманида жойлашган 19-умумтаълим мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари қатнашди. Истеъфодаги генерал-полковник Р.Аҳмедов тадбир давомида берилган саволларга жавоб қайтарди.

Учрашув сўнгида институт раҳбарияти томонидан фахрий меҳмонга гул ва эсдалик совғалари берилди.

Р.СОБИРОВ,
ФВВ Академияси ҳузуридаги
ФМИ катта ўқитувчиси,
институт Касаба уюшмаси



ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

Ёнгин — бепарволик ва эҳтиётсизликка йўл қўйилган ҳар қандай жойларда содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлардан биридир. Энг ачинарлиси, бу каби ҳодисалар аксарият ҳолларда жуда катта моддий йўқотишларга ва инсонларнинг ўлимига сабаб бўлиши мумкин.



Биламизки, ёнгин содир бўлганда тўғри ҳаракат қилиш ва хабар бериш тартибларини билиш муҳим ҳисобланади. Тадбирнинг асосий мақсади ҳам аскарларнинг бу бордаги кўникмаларини янада мустаҳкамлашга қаратилди. Машғулот жараёнида шартли равишда содир бўлган ёнгинни бирламчи ёнгин ўчириш воситалари орқали ўчириш аскарлар томонидан амалда бажарилди.

Давронбек СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилояти ФВВ Ахборот хизмати бошлиғи, катта лейтенант.
Убайдулло АБДУЖАЛИЛОВ,
бошқарма бўлим бошлиғи, майор.

Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани ФВ бўлими ходимлари туманда жойлашган 532-ҳарбий қисм аскарлари билан профилактик тадбир ҳамда кўргазмали ўқув машғулотни ўтказдилар.

Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга эътибор ва гам-хўрликни кучайтириш, фаол ва мазмунли ҳаёт кечирishiларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. ФВВ тизимида кекса авлод вакиллари вакиллик ва жамият ҳаётидаги иштирокини фаол таъминлаш, бой ҳаётий тажрибасидан кенг фойдаланиши мақсадида Шаҳрисабз “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейига ФВВ Фахрийлар марказий кенгаши вакиллари, шу тизимда узоқ йиллар фидокорона меҳнат қилган бир гуруҳ ходимлар тақлиф этилди.

ИБРАТЛИ ҲАЁТ ЙЎЛИ



Тадбир давомида меҳмонлар учун Шаҳрисабз шаҳридаги тарихий аҳамиятга эга мажмуалар, Оксарой, Кўкғумбаз, Ҳазрати имом, Темур даҳмасига экскурсия ташкил қилинди. Уларга қадимги Шаҳрисабз тарихи, Амир Темур томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари тўғрисида маълумотлар берилди. Сўнги йилларда шаҳарда амалга оширилаётган ислохотлар ва Амир Темур хиёбонида яратилган шарт-шароитлар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Шундан сўнг улар Шаҳрисабз “Темурбеклар мактаби”га келдилар, меҳмонлар ҳарбий-академик лицей ҳаёти, ахборот-ресурс маркази, тематика ва маънавият-маърифат хоналари билан танишдилар.

Саф ва спорт майдонида ташкил этилган амалий машқлар, спорт за-

лида ўқувчиларнинг қўл жанги, бокс ва кураш бўйича чиқишлари фахрийларда катта қизиқиш уйғотди. Ётоқхонадалардаги шароитлар билан яқиндан танишиб, ўтган давр мобайнида кадрлар тайёрлашда вазирлик тизимида амалга оширилган самарали ишлар юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

Бой ҳаётий тажрибага эга бўлган бу табаррук инсонлар ўқувчиларга ўз ҳаёт йўллари ҳақида сўзлаб бердилар.

Ж.ҚОСИМОВ,
Шаҳрисабз “Темурбеклар
мактаби” ҳарбий-академик
лицейи директорининг биринчи
ўринбосари, подполковник.

М.МАҲМУДЖОНОВА,
Ахборот-ресурс маркази
бошлиғи.

ЭЪТИБОР ВА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисмларининг бирида уч авлод учрашуви бўлиб ўтди. Унда фахрийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник Х.Акбаров сўз олиб, иштирокчиларни тадбирнинг асосий мазмун-моҳияти билан таништирди ва республикада олиб, борилаётган сиёсий-иқтисодий жараёнлардаги ўзгаришлар, ёшларимиз учун яратилган шарт-шароитлар, қулайликлар ҳақида сўзлади. Учрашувда биринчи даражали меҳнат фахрийси, Тошкент вилояти ФВБ, Чирчиқ шаҳар Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув маркази бошлиғи, Хусниддин Аглаев Ўзбекистон тараққиёти йўлида меҳнат қилиш, келгуси авлодларни шу руҳда камол топтириш муқаддас бурч эканлигини, истиқлол бизга катта имкониятлар, имтиёзлар эшигини кенг очиб берганлиги, ана шу имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш, Ватан равнақи, юрт фаровонлиги учун ҳисса қўшиш, бу йўлда улуғ ёшли авлоднинг хайрли ва намунали ҳаёт йўлини ўзимизга дастуруламал қилиб олиш, уларнинг тажрибаларидан баҳраманд бўлиш каби эзгу мақсадларни ўзида мужас-



сам қилган бугунги каби тадбирлар бизга чинакам маҳорат мактаби вазифасини ўташини таъкидлади.

Шунингдек, учрашувда ёши улуғ фахрийлар ўз ҳаёти ва меҳнат фаолияти давомида тўплаган бой тажрибаси, ёшлик давридаги ўзига хос қийинчиликлар, хизматдаги машаққатлар, ниҳоят нурунийлик пайтида кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром ҳақида самимий фикрларини билдирдилар.

Г.ТЎРАЕВА,
Тошкент вилояти ФВВ
ҲФХЎМ ўқитувчиси.

Сирдарё вилояти ФВБ ва ҳудудий бўлимлар томонидан вилоятдаги ижтимоий соҳа объектларининг тунги вақтлардаги ва кузқиш мавсумига тайёргарлик ҳолати ўрганилди.



ЙЎРИҚНОМА БЕРИЛДИ

Хусусан, Гулистон шаҳрида 11 та ижтимоий соҳа объектлари тунги назорат-профилактик кўриқдан ўтказилди. Олиб борилган тадбирлар давомида қоровуллар ва масъулларга ёнғин содир бўлганда ҳаракатланиш ва хабар бериш тартиблари бўйича йўриқномалар берилди.

Давронбек СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилояти ФВБ
Ахборот хизмати бошлиғи,
катта лейтенант.
Асрор ГАЗИХОДЖАЕВ,
Гулистон шаҳар ФВБ
бўлими бошлиғи,
майор.

Учкўприк тумани ФВ бўлими ходимлари ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда асосий тадбирлар режасига асосан, “Худудгазфаргона” ГТФ тумандаги газ тўлдириш шохобчасида шартли равишда содир бўлган ёнғинни бартараф этиши бўйича амалий-тактик ўқув машқи ўтказилди.

АМАЛИЙ СУҲБАТЛАР

Машғулотидаги жараёнларда барча ҳамкорликдаги хизматларнинг жанговар ҳаракати синовдан ўтказилди. Машғулоти давомида газ тўлдириш шохобчасининг жами 20 нафар ишчи-хизматчилари ҳамкорликдаги ташкилот ходимлари билан объект ҳудудида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар ва ёнғинлар бўйича йиғилиш ташкил этилиб, ишчи-хизматчилар йўриқномадан ўтказилди.

Бундан ташқари, тумандаги “Fergana Global Textil” МЧЖга қарашли пахта қабул қилиш ва сақлаш пунктида профилактик суҳбат ташкил этилиб, унда пахта қабул қилиш пунктида хизмат олиб боровчи ишчи-хизматчилар билан йўриқнома ўтказилди ҳамда тегишли тавсиялар берилди.

Ўтказилаётган профилактик тадбирлардан асосий кўзланган мақсад, аҳолини жорий йилги йиғиб олинган пахта ҳосилини талафотларсиз сақлашдан иборат.

К.АБДУЛЛАЕВ,
Учкўприк тумани ФВ бўлими
бошлиғи, подполковник.
М.ХУДОЙҚУЛОВ, Фарғона вилояти ҳокимлиги Қабуллар ўйи
ЭХТТЭБ катта инспектори, катта
лейтенант.

КўНИКМАЛАР ОШИРИЛМОҚДА

Технологияларнинг янгидан-янги тури ишлаб чиқарилаётган ҳозирги вақтда хавф-хатарларнинг ҳам тури ортиб бормоқда.

Таҳлиллар содир бўлган фавқулодда вазиятларнинг 80 фоизига яқини инсон фаолияти билан боғлиқ эканини кўрсатади. Қурбон бўлганларнинг 40 фоиздан ортиғи табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар шароитига тўғри баҳо бера олмаслиги, айниқса, мазкур шароитда тўғри ҳаракатланиш йўллари топа олмаслиги натижасида ноҳуш ҳолатларга дуч келганлигини кўрсатмоқда.

Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида, Жиззах вилояти ФВБ ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув маркази томонидан малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари ташкил этилиб, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат қўйи тизимига кирувчи хизматлар раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ҳамда фуқаро муҳофазаси тузилмалари командирларининг билим ва

кўникмалари мустаҳкамланмоқда.

Машғулотида назарий ва амалий босқичларда ташкил этилиб, тингловчиларга фавқулодда вазиятларнинг турлари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг фавқулодда вазиятларга тайёрлиги, ҳар бир хавфнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда уларнинг олдини олиш тартиби тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Зарур ҳолларда марказ ходимлари томонидан кўчма ўқув курслари ташкил этилиб, узоқ ва чекка ҳудудларда жойлашган ходимлар ҳам ҳаёт фаолияти хавфсизлиги йўналишида тайёргарликдан ўтказилди.



Бу каби тадбирлар ташкилот раҳбарларининг ўз фаолиятида фавқулодда вазиятларнинг олдини олишда масъулиятини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Фаррух АБДУРАҲМОНОВ,
Жиззах вилояти ФВБ Ахборот
хизмати бошлиғи, капитан.
Мирвоҳид АКРАМОВ,
етакчи мутахассис.

ЗАФАР ЁР БЎЛСИН

Болалар спортини ривожлантириш мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Юртимизнинг барча жойларида бунёд этилган замонавий болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам айни муддаодир.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг спорт билан шуғулланишини ва келажакда чемпион бўлишини истайди.

Расулжон Алимов 1981 йил 1 январда Фарғона вилояти Кува тумани Акбаробод қишлоғида туғилган. Фарғона давлат университетининг Чақириққача ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия факультетини тамомлаган. Илк фаолиятини Фарғона шаҳар 1-умумтаълим махсус йўналишдаги мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси лавозимида бошлаган. Шундан сўнг Фарғона олимпия захиралари спорт коллежида Чақириққача ҳарбий таълим раҳбари бўлиб ишлаб, шу давр мо-

байнида спортнинг шарқ якка кураши таэквондо (ITF) спорт тури билан мунтазам шуғулланди ва инструктор-мураббийлик даражасига етди. 2005 йил Фарғона вилояти ФВБ



авария-қутқарув гуруҳи йўриқчи-қутқарувчи лавозимида ишга қабул қилинди. 2018 йилда Қўқон шаҳар ФВ бўлими катта офицери лавозимида фаолият юритди ва 2019 йилнинг июль ойидан ҳозирги кунга қадар “Қамчиқ” махсус қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармасининг қутқарув отряди командири лавозимида ишлаб келмоқда. Рафиқаси Нигора Абдураҳмонова Фарғона алоқа коллежи ўқитувчиси. Улар ҳозирги кунда икки қиз ва бир ўғилни тарбиялашмоқда. Қизлари Шаҳризода Алимова ҳамда Паризода Раҳматжоновалар Фарғона шаҳар 10-умумтаълим мактабда ўқишади. Ўғли Нуроншоҳ Раҳматжонов 2019 йил 4 июнда туғилган.

Шаҳризода ва Паризода вилоят гимнастикага ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан мураббий Турғунов Абдулазиз бошчилигида спортнинг трамполин тури бўйича мунтазам шуғулланиб, маҳоратини оширишмоқда. Вилоят ҳамда республика миқёсида ўтказилаётган ўсмирлар спорт мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

Шаҳризода 2018 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган трамполин бўйича ўсмирлар

ўртасида Ўзбекистон чемпионатида батутда шахсий сакрашда 3-ўринни эгаллаган. 2019 йилда эса Наманганда ўтказилган спортнинг трамполин тури бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионатида батутда синхрон сакраш турининг гуруҳ совриндори бўлган.

Шу йили Фарғона шаҳри вилоят гимнастикага ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан ўтказилган мусобақада ҳам трамполин бўйича биринчи ўринни қўлга киритди.

Синглиси Паризода ҳам 2019 йил гимнастика мактабидан ўтказилган мусобақада қатнашиб, 3 ўринни қўлга киритган. 2017 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган трамполин спорт турининг батутда синхрон сакраш бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлган.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг “Қамчиқ” қутқарув отряди командири Расулжон Алимов ва унинг рафиқаси Нигора опа спортчи қизлари билан фахрланишади. Ёш бўлишига қарамай қизлар икки карра Ўзбекистон чемпиони бўлишга эришдилар. Улар ҳозирда Париж-2024 спорт олимпиадасига йўлланма олиш илнжида тинмай шуғулланиб келишяпти. Шу ўринда биз ҳам спортчи қизларимизнинг келгусидаги эришиладиган натижаларига омад ва зафарлар тилаб қоламиз.

М.МИНГБОЕВА,
“Қамчиқ” МҚКЭБ
ОАВва ЖТБИБ етакчи
мутахассиси.

UYUSHQOQLIKDA TASHKIL ETILDI

Toshkent shahar FVBda "O'zbekiston" nashriyot-matbaa ijodiy uyi bilan hamkorlikda "Tilga e'tibor – elga e'tibor" mavzusida kitoblar va ijodiy ishlar ko'rgazmasi tashkil etildi.

Ko'rgazmaga boshqarma rahbariyati, murabbiylar kengashi, boshqarma hududiy bo'lim va bo'linma hamda tarkibiy tuzilmalarining 300 nafardan ortiq shaxsiy tarkibi jalb etildi.

Tashkillashtirilayotgan tadbirlar davomi sifatida joriy yilning 1-oktabriga qadar boshqarma, hududiy bo'lim va bo'linma hamda tarkibiy tuzilmalarda "Qadring baland bo'lsin, ona tilim!" mavzusida insholar tanlovining 1-bosqichi bo'lib o'tdi. Mazkur bosqichda har bir bo'lim, bo'linma va tarkibiy tuzilmalardan inshoni mazmunli va savodli yozgan 1 nafardan harbiy xizmatchi va xizmatchilar saralab olindi. Joriy yilning 5-oktabr kuni boshqarmada "Qadring baland bo'lsin, ona tilim!" mavzusida insholar tanlovining yakuniy saralash bosqichi o'tkazildi.

Shuningdek, boshqarmada joriy yilning 8-oktabr kuni "Ona tilim – iftixorim!" shiori ostida o'zbek tili targ'ibotiga bag'ishlab tashkilashtirilgan ma'naviy-ma'rifiy o'quv mashg'ulotida boshqarma shaxsiy tarkibi va hududiy bo'lim va bo'linma hamda tarkibiy tuzilmalar

rahbarlarining ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish, davlat tili to'g'risida qonun hujjatlariga rioya etilishini ta'minlash masalalari bo'yicha maslahatchilari ishtirok etishdi.

Ma'naviy-ma'rifiy o'quv mashg'ulotida Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universitetining "Amaliy filologiya" kafedrasida katta o'qituvchisi Azimjon Davronov "Til – millat faxri va g'ururi!" mavzusidagi ma'ruzasi bilan qatnashdi.

Shuningdek, 8-oktabr kuni O'zMTMK binosida yong'in xavfsizligini ta'minlashni tashkil etish bo'limining ma'naviy va ma'rifiy o'quv mashg'ulotida O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan madaniyat xodimi, shoir Bobur Bobomurod va "Qishloq hayoti" gazetasi bosh muharriri Chori Latipovlar ishtirokida davra suhbatlari o'tkazildi.

O'zbekiston Respublikasi Oliy majlis Qonunchilik palatasi binosida YOXTTEB tomonidan ma'naviy va ma'rifiy o'quv mashg'ulotiga Oliy majlis Qonunchilik palatasi Xalqaro aloqalar va tilshunoslik bo'limi boshlig'i o'rinbosari Avaz Xudoyberdiyev taklif etildi.



O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi binosida YOXTTEB tomonidan ma'naviy va ma'rifiy o'quv mashg'ulotida "Til – millat ko'zgusi" mavzusida O'zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi huzuridagi Yoshlar muammolarini o'rganish va istiqbolli kadrlarni tayyorlash institutining malakali mutaxassislari bilan davra suhbatlari o'tkazildi.

Hududiy bo'lim va bo'linma hamda tarkibiy tuzilmalarning harbiy xizmatchilari va xizmatchilari ishtirokida Adiblar xiyobonida shoirlar va adabiyotshunos olimlar bilan uchra-

shuvlar hamda "Tilga e'tibor – elga e'tibor" mavzusida kitoblar va ijodiy ishlar ko'rgazmasi tashkil etildi.

Mazkur o'tkazilayotgan tadbirlar vazirlik, boshqarma veb saytlarida hamda vazirlik va mahalliy OAV orqali keng yoritilib borilmoqda.

G.BEKOVA,
Toshkent shahar FVB
boshlig'ining ma'naviy-ma'rifiy
ishlar samaradorligini oshirish,
davlat tili haqidagi qonun
hujjatlariga rioya etilishini
ta'minlash masalalari bo'yicha
maslahatchisi.

АКАДЕМИЯДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

ФВВ Академиясида Ўзбек тили байрами кунига бағишланган "Давлат тилини севиш, унинг ривожланишига ҳисса қўйиш – барчамизнинг бурчимиздир" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Муҳаммад Юсуф Фонди раиси, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳибаси Назира Саломова, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш департаменти масъул ходими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Халқ таълими аълочиси Фахриддин Ҳайит, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясида Ўзбек тили, адабиёти ва фолклори институти катта илмий ходими, филология фанлари бўйича фалсафа доктори Зоҳида Муқимова, Фавқуллодда вазиятлар вазирининг давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси Баҳодир Валиев ҳамда Академия профессор-ўқитувчилари, ҳарбий хизматчилари ва курсантлар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар она тилимизнинг ўзига хослиги, бугунги кунда давлат тилининг нуфузи ва мақомини ошириш борасидаги ислохотларга тўхталиб, ҳар бир Ватан фарзанди ўз она тилини севиши, унинг кадр-

қимматини жойига қўйишда фаол иштирок этиши зарурлигини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ва унинг жойлардаги вакиллари, яъни вазирлик, идораларда фаолият юритаётган давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчилар томонидан ташкилотларда давлат тилини ривожлантириш, давлат тилида иш юритишни ташкил қилиш ишларининг изчил давом эттирилаётганлигини алоҳида таъкидладилар.

Учрашувда курсантлар эл ардоғидаги шоирларнинг ижод намуналаридан айтиб, устоз шоирлардан ўзларининг қизиқтирган саволларига атрофчиқа жавоб олдилар. Тадбир ҳақиқий тил байрами ва шеърини кеча сифатида қизиқарли ўтганлиги билан тадбир иштирокчиларида илиқ таассурот қолдирди.

Фарҳоджон ХОЖАЕВ,
ФВВ Академияси катта
ўқитувчиси, капитан.
Комилжон НУРУЛЛАЕВ,
4-босқич курсанти.

Навоий вилояти йирик корхоналарга эга вилоятлардан ҳисобланади. Айниқса, 60 мингдан ортиқ ишчи-хизматчига эга бўлган Навоий кон-металлургия комбинати республикамиз иқтисодиётига улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, фавқуллодда вазиятлар ва ёнғинларнинг олдини олиш биринчи даражаси вазифа ҳисобланади.

ХАВФСИЗЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Комбинатни ёнғиндан муҳофаза қилувчи Ёнғин хавфсизлиги маркази ва унинг Учқудук, Зарафшон, Навоий саноат майдони ҳамда Конимех, Самарқанд ва Жиззах вилояти ҳудудларида жойлашган ёнғин-қутқарув қисмлари конларда ва йирик давлат аҳамиятига молик бўлган объектларда туну кун хушёрлик билан хизмат қилиб келмоқда.

Шу билан бирга комбинатнинг жойларда қурилаётган янги объектларида ёнғин хавфсизлиги меъёр талабларини доимий равишда назорат қилиш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича қатор амалий тадбирлар ўтказилмоқда.

НКМК кон бошқармалари саноат майдонларида қурилаётган ва реконструкция қилинаётган, технологик қурилмалари алмаштирилаётган объектларининг сони 30 тани ташкил этади. Шулардан 4 таси реконструкция қилинаётган, 18 таси янги қурилаётган, 8 таси капитал таъмирланаётган объектлар ҳисобланади.

Қурилаётган, реконструкция қилинаётган объектларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини ўрнатилган тартибда назорат қилиш мақсадида барча қурилиш масканларида батафсил текширувлар ўтказилиб, 219 та банддан иборат ДЁН ёзма кўрсатмалари объект раҳбарларига тақдим этилди.

Марказ норматив-техник гуруҳи томонидан комбинатнинг «Қурилиш режалаштирилган объектларнинг манзилли дастури» рўйхатига асосан, 2021 йилнинг 3-чораги мобайнида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган Маржонбулоқ олтин бойитиш фабрикасини кенгайтириш, Навоий шаҳрида жойлашган комбинатнинг ёш мутахассислари учун турар жой биноси, МКБга қарашли "Ауминзо-Амантой" саноат майдонидаги 5-ГМЗ, 2500 нафар ишчи ва хизматчига мўлжал-

ланган турар жой биноси, "Ауминзо-Амантой" саноат майдонидаги ёқилги мой маҳсулотлари сақлаш омборхонаси, моддий-техник материаллар сақлаш омбори, 50 тонналик сифимга эга бўлган портловчи моддалар сақлаш омбори, "Мурунгов" кони майдонидаги олтинни уюмдан ишкорлаш цехи, 7-Гидрометаллургия заводи, шиналарни қайта ишлаш технологик қурилмаси, "Бессопан" ва "Ауминзо-Амантой" саноат майдонларида янгидан қурилаётган электр тармоқлари станциялари Жанубий кон бошқармаси "Зармитан" саноат майдонларида қурилаётган объектлар, ҳудуддаги ишчи-хизматчилар учун мўлжалланган кўп қаватли турар жой биноси сингари бир қатор янги қурилаётган объектлар учун ёнғин хавфсизлиги ҳолатини яхшилаш ва қурилиш меъёри талабларига риоя қилишни таъминлаш мақсадида мазкур ташкилот ва идоралар раҳбарларига 40 мартабадан ортиқроқ ахборот хатлари ва тақдимномалар киритилди.

Шунингдек, объектларда бугунги кунда техник жиҳатдан эскирган мавжуд автоматик ёнғин хабаргоҳларини янгисига босқичма-босқич алмаштириш мақсадида комбинатнинг 2021-2022 йилларга мўлжалланган истиқболли режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан 20 га яқин объектларнинг 75 та бино ва иншоотларининг жами 15200 м² майдони автоматик ёнғин хабаргоҳлари билан ҳимояланди.

Нуриддин УЗОҚОВ,
"Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонасида Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази гуруҳ бошлиғи,
подполковник.
Маъруфжон ҲАЙИТОВ,
марказ гуруҳ бошлиғи.

ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА



Сирдарё вилоятининг Мирзаобод, Сайхунобод ва Сирдарё туманлари ҳудудида жойлашган ижтимоий соҳа объектларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини, биноларда ташкил этилган тунги навбатчилик хизматини ҳамда иситиш тизимларининг талабларга мослигини назоратдан ўтказиш мақсадида, фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари томонидан тунги назорат-профилактика тадбирлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Тадбирлар давомида тунги навбатчиларга ёнғин ва турли фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш ва хабар бериш тартиблари бўйича қўшимча йўриқномалар берилляпти.

Аниқланган камчилик ва қоида бузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давронбек СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилояти ФВБ
Ахборот хизмати бошлиғи, катта лейтенант.

Элёр ХУДОЙҚУЛОВ,
Сайхунобод тумани ФВ бўлими
бошлиғи ўринбосари, майор.

КЎНГИЛСИЗ ҲОДИСАЛАР БЎЛМАСИН

Айни кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Жиззах вилоятида ҳам куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.



Вилоят ФВБ "Худудгаз Жиззах" АЖ филиали билан ҳамкорликда мавсум давомида ёнғин, чақнаш, ис газидан заҳарланиш каби кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бир қатор профилактик чора-тадбирларни амалга ошириб келиняпти.

Зафаробод туманида ўтказилган "Чоршанба – фавқулодда вазиятлар профилактикаси кунини" тадбири давомида давлат ва жамоат ташкилотлари, аҳоли хонадонлари ва қурилиш биноларини кўздан кечириш, фуқароларга хавфсизлик қоидаларини тушунтириш ҳамда аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилди. Туманнинг "Узун", "Самарқанд" ва "Бўстон" маҳаллаларида ўтказилган профилактик ишлар давомида 324 та хонадоннинг ёнғинга қарши ҳолати

ўрганилиб, 56 камчилик аниқланди ва уларнинг 42 таси жойида бартараф этилди. 14 та носоз газ ва электр ускуналари тузатилиб, 66 та мўри ва вентиляция тизимлари тозаланди. Вақтинчалик ўтказилган ва носоз электр симлари олиб ташланди. Мутахассислар томонидан 512 нафар фуқаро йўриқномадан ўтказилди.

Амалга оширилган ишлар ўз самарасини кўрсатиб, кун давомида туман ҳудудида ёнғинлар билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисалар қайд этилмади.

Фаррух АБДУРАҲМОНОВ,
Жиззах вилояти ФВБ ахборот
хизмати бошлиғи, капитан.

Жавлон ҚУДРАТОВ,
Зафаробод тумани ФВ
бўлими бошлиғи ўринбосари,
катта лейтенант.

Самарқанд вилояти ФВБ шахсий хавфсизлик бўлими ходимлари ва ИИБ ЙХХБ ходимлари ҳамкорлигида, Пастдаргом тумани ФВ бўлими ходимларининг шахсий автотранспорт воситасини бошқаришда амалдаги зарурий ҳужжатларга риоя қилиш ҳолатлари ўрганилди.

ЗАРУР ТАВСИЯЛАР

Тадбир иштирокчиларига белгиланган тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя этиш, тегишли ҳужжатларсиз транспортни бошқармаслик, белгиланмаган жойларда қаровсиз қолдирмаслик, автотранспорт воситасини спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳолда бошқармаслик, бошқариш вақтида йўл ҳаракати қоидаларига тўлиқ риоя этиш ва ўзбошимчалик билан ойналар тусини ўзгартирмаслик (қорайтирмаслик), ҳаракат пайтида уяли телефон аппаратларидан фойдаланиш, давлат рақамисиз бош-

қариш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тушунтирилди. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатларга йўл қўйилганда ҳайдовчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ва Жиноий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга асосан, маъмурий ва жиноий жавобгарлик таъсир чоралари кўрилади.

М.УМУРЗОҚОВ,
Самарқанд вилояти
ФВБ шахсий
хавфсизлик бўлими бош
инспектори, капитан.

ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН



"Қамчиқ" махсус қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармаси фавқулодда вазиятлар профилактикаси бўлими ҳамда ёнғин-қутқарув отряди ходимлари томонидан доволда жойлашган "Резак" аҳоли яшаш пунктида 64 та хонадонда 156 нафар фуқаро билан хавфсизликни таъминлаш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, инсон ҳаёти ва соғлиғи, моддий бойликларга зарар етказиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан суҳбатлар ўтказилди.

Бундан ташқари, "Эртошсой" савдо мажмуасида 40 нафар ишчи ва сотувчилар учун содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича суҳбатлар ташкил этилиб, мавзу юзасидан эслатма материаллари тарқатилди.

Куннинг иккинчи ярмида ёнғин-қутқарув отряди ходимлари билан юзага келиши мумкин бўлган табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш ҳамда мавсум давомида барча хавфсизлик қоидаларига риоя этиш юзасидан семинар машғулотини ўтказилди.

Ш.САПАРОВА,
"Қамчиқ" МҚКБ ФВП
етакчи мутахассиси.

"ТИЛСИЗ ЁВ"ГА ҚАРШИ

Инсон ҳаётига таҳдид соловчи офатлардан бири — ёнғин қай тарзда юзага келган бўлишига қарамай, ўзининг мудҳиш изларини қолдиради. Ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар биноларида содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодийга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун ҳар биримиз ёнғинга қарши фаол кураш олиб боришимиз зарур. Корхона-ташкилотлар биноларида, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали биз жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз. Арзимасдек туюлган носозликлар ҳам ёнғинга сабаб бўлишини унутмаслик лозим. Ёнғинлар аксарият ҳолларда турар жойларда содир бўлиб, улар иситиш печларидаги оловнинг назоратсиз қолиши, дудбуронларнинг яхши ишламаслиги, сигарета чекиб ухлаб қолиш, ёш болаларни қаровсиз қолдириш, газ ва электир ускуналарида фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик натижасида рўй беряпти.

Б.ДУДНИКОВ,
«Восток» ДИИЧБ ДУК ЁХТТЭБ 23-ЁҚҚ смена бошлиғи, майор.

САЙЛОВ КОДЕКСИ – ОШКОРАЛИК, ҲАҚҚОНИЙЛИК ИФОДАСИ

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шартларидан бири – шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини ва жамиятдаги ҳар бир инсон ҳуқуқлари таъминланишининг амалий қафолатлари тизimini яратишдан иборат. Конституциямизнинг XIX боби 89-моддасида: “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди”, деб ёзиб қўйилган.

Сайлов кодекси яратилиши зарурати

Сайлов қонунчилиги доимо замон билан ҳамнафас тарзда янгилаб боришни тақозо этади. Айниқса, ҳозирги шиддаткор давр талаблари ва энг муҳими, мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш давр талабига айланган. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга йўллаган илк Мурожаатномасида Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббусини илгари сурди. Сайлов кодекси лойиҳасини тайёрлаш вазифаси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини 2018 йил — “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига киритилди. Ушбу муҳим топшириқни бажариш мақсадида Марказий сайлов комиссиясида махсус ишчи гуруҳи тузилиб, Кодекс лойиҳасини яратишга киришилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Сайлов кодекси лойиҳасини тайёрлаш жараёнида Франция, Голландия, Канада, Италия, Швеция, Бельгия, Польша, Альбания, Беларусь, Озарбайжон каби мамлакатларнинг Сайлов кодекслари ва қонунлари ўрганилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда 40 дан ортиқ давлатда Сайлов кодекси қабул қилинган. Бундан ташқари, сайловларга доир ўндан ортиқ халқаро ҳужжатлар атрофлиқа таҳлил қилиниб, уларнинг асосий ғоя ва стандартлари Сайлов кодексида ўз аксини топди. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт, ЕХҚТнинг инсонийлик мезонлари тўғрисидаги ҳужжатлари, жумладан, 1990 йилги Копенгаген ҳужжати, Парламентлараро Иттифоқнинг Адолатли сайловлар тўғрисидаги декларацияси ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидан.

Сайлов кодексидаги асосий янгиликлар

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси 2019 йил 25 июнда қабул қилинган бўлиб, 18 боб ва 103 та моддадан иборат. Сайлов кодексининг асосий янгиликлари куйидагиларни ташкил этади: Ўзбекистон Республикаси сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш тартиби жорий этилди; муддатидан олдин овоз бериш ва сайлов куни овоз бериш учун ягона сайлов бюллетенини жо-

ягона сайлов бюллетенини жорий этиш орқали сайлов варақаси тушунчаси чиқариб ташланиб, овоз бериш жараёнида сайловчилар бир нечта белгилардан (+, v, X) бирдан фойдаланишлари мумкинлиги белгилаб қўйилди (94-модда. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш). Шу билан бирга, сиёсий партияларга сайловда қатнашиш



рий этиш орқали сайлов варақаси тушунчаси чиқариб ташланди, ташвиқот ишларини бошлашда барча номзодлар учун ягона муддат, яъни уларни рўйхатга олиш учун белгиланган охириги куннинг эртасидан эътиборан бошланиши кўрсатилди ва бошқалар.

Шу билан бирга, ушбу ҳуқуқий норма ва янгиликлар киритилган:

Биринчидан, Сайлов кодексида шу пайтга қадар амалда бўлган 5 та қонун, яъни “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги қонунлар ҳамда қатор қонуности ҳужжатлари ўзаро унификация қилиниб, яхлит тарзда баён этилди. Бу эса ўз навбатида, Сайлов кодекси кучга кирганидан сўнг юқорида санаб ўтилган қонун ҳужжатларининг ўз кучини йўқотишини англатади;

Иккинчидан, Сайлов кодекси сайлов жараёнига қатор янги механизм ва технологияларни қўллаш имконини берувчи янги нормалар билан тўлдирилди. Хусусан, Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари учун Ўзбекистон экологик ҳаракати вакилларига квота ажратиш институти чиқариб ташланди. Бундан буён Қонунчилик палатасининг барча 150 нафар депутатларининг умумхалқ сайловларида сайланиши мустаҳкамлаб қўйилди. Бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига номзод кўрсатиш тартиби бекор қилинди.

Яна бир янгилик — Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатини шакллантириш (ЯЭРШ) масаласи ҳам Кодексда ўз аксини топди. Шунингдек, муддатидан илгари овоз бериш ва сайлов куни овоз бериш учун

ҳуқуқини берувчи имзо йиғиш жараёнида сайловчилар томонидан бир ёки бир нечта партияларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйишлари мумкинлиги белгиланди. Маълумки, бугунги кунда озодликдан маҳрум этиш жойларида сақлаб турилган барча шахсларга сайловда иштирок этиш тақиқланган. Бироқ Сайлов кодексида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларнинг сайловда иштирок этишини чекловчи нормалар чиқариб ташланди;

Учинчидан, Сайлов кодексида бир қатор процессуал нормалар, яъни сайлов жараёнлари билан боғлиқ бир қатор янги қоидалар жорий этилди. Жумладан, сайлов участкасида овозларни санаб баённомасининг нусхасини дарҳол жойлаштириш тартиби белгиланиб, овоз бериш тугаганидан кейин участка сайлов комиссияси томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар (овозларни санаб чиқиш, баённома тузиш ва бошқалар) кўрсатилди; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари томонидан участка сайлов комиссияси аъзоллигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш тартиби ўз ифодасини топган. Қонунчилик палатасига, маҳаллий Кенгашларга сайлов бир вақтда ўтказилган тақдирда ягона сайлов участкаларини тузиш белгиланди, илгари Марказий сайлов комиссияси қарори билан тасдиқланган Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низом бекор қилиниб, Сенат аъзоларини сайлаш масаласи Кодексда мустаҳкамлаб қўйилди, номзодлар ишончли вакилларининг Ўзбекистон Республикасидаги сафар харажатлари сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан тўланиши тартиби белгиланди;

Тўртинчидан, мазкур ҳужжатда Марказий сайлов комиссияси аъзоларига нисбатан талаблар қайд этилди. Ушбу талабларга мувофиқ йигирма беш ёшга тўлган, қоида тариқасида, олий маълумотга, сай-

ловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган ҳамда камида охириги беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган фуқаро Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари мақом бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларига тенглиги ҳақидаги норма киритилди. Бундан ташқари, Кодексда қуйи даражадаги сайлов комиссияси аъзолари учун ҳам янги талаблар ўрнатилди. Ушбу талабларга мувофиқ, номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари, шунингдек, номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар сайлов комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

Ушбу Кодекснинг қабул қилиниши, аввало, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қўшимча амалий механизмларини, сайлов қонунчилигини тизимлаштириш ва унификациялаш, сайлов ҳуқуқи нормалари иерархиясини таъминлаш, сайлов жараёни очиқлигининг қафолатларини кучайтириш имконини беради. Энг муҳими, Сайлов кодексининг ҳаётга татбиқ этилиши келгусида мамлакатимизда сайлов жараёнлари янада демократик тарзда ва ошқоралик руҳида ўтишини таъминлайдиган янги, илғор амалиётни жорий этишни ҳуқуқий жиҳатдан қафолатлайди. Бу эса ўз навбатида, мамлакатимиз сиёсий тизимини янада демократлаштириш ва сиёсий модернизация жараёнини чуқурлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Замонавий дунёда сайловлар тобора оммавийлашиб, дунё мамлакатларида уларнинг сони йилдан-йилга ошиб бораётгани кузатилади. Биргина 2018 йилда 40 дан ортиқ мамлакатларда 60 га яқин сайлов кампанияси ўтказилганлиги фикримизнинг далилидир. Сайловларнинг тобора оммавийлашиб бораётганини халқаро экспертлар ҳам қайд этадилар. Жумладан, Сайлов тизимлари бўйича халқаро жамғарма тадқиқотчилари ўтказган махсус тадқиқотга кўра, агар 1950 йилларда дунё мамлакатларида олий даражадаги ҳокимият органларига 200 га яқин сайлов ўтказилган бўлса, 1990 йилларда уларнинг сони 600 тани, 2010 йилларда эса ўртача 800 тани ташкил этди. Ўзбекистон Республикасида ҳам сайловлар сиёсий тизимнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик сайловлар ўтказиш, том маънода, муҳим ижтимоий-сиёсий аънолага айланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Сайлов жараёнларида барчамизнинг, аввало, дунёқарашимиз, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятимиз, гражданлик позициямиз яна бир бор намоён бўлади”.

Акбар ЎТАМУРОДОВ,
Ўзбекистон миллий
университети “Фуқаролик
жамияти ва ҳуқуқ таълими”
кафедраси мудири, профессор.

Бахтиёр ОМОНОВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор.



ДИҚҚАТ, ОБУНА!

Хурматли муштарийлар!
2022 йил учун «Вазият» газетасига
хамда «Муҳофазат»
журналига обуна бошланди.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун:
«Вазият» газетаси — 382 «Муҳофазат» журнали — 1066

ФВВ Бирлашган тахририяти

Ботулизм (лат. Botulus-колбаса) – одам ва ҳайвонларда учрайдиган ўткир юқумли касаллик бўлиб, овқатдан бўладиган токсикоинфекция гуруҳга киради. Ботулизм (Clostridium botulinium) бактериялар билан зарарланган овқатлар истеъмол қилганда юзага келади.

Ботулизм кўзгатувчилар табиатда кенг тарқалган бўлиб, чидамли (спорали) ва чидамсиз (вегетив) хиллари учрайди. Споралар ташқи муҳитда йиллаб сақланиши мумкин, споралар тупроқдан сув, мева, савбзавот, озиқ-овқат, ем-хашакка ўтади, кейин одам ва ҳайвонлар ичагига тушиб, сўнгра нажас билан ер юзига тарқалади. Ботулизм микроби фақат анаэроб (ҳавосиз) шароитда ривожланади. Шу сабабдан, консерва қилинган, тузланган, дудланган маҳсулотлар ва колбасага тушиб қолган споралар

БОТУЛИЗМ

анаэроб шароитда ўсиб, вегетив шакл (бактериялар)га айланади. Улар ана шу шароитда кучли захар (экзотоксин) ҳосил қилади. Бу маҳсулотни истеъмол қилган одам касал бўлади.

Ботулизм токсини ичакда тез сўрилади, қонга ўтади ва бутун организмга тақалиб, асосан асаб тизимини зарарлайди. Касаллик тўсатдан бошланади. Беморнинг боши оғрийди, тинкаси қурийди, кўзи тинади, лоҳасланади,

кўнгли айниб қусади, уйқуси қочади, қорни оғрийди, оғзи қурийди, ташна бўлади, кўпинча қабзият кузатилади. Кейинчалик боши айланади, кўзи хиралашади, қовоқлар салқийди, бемор равон гапира олмайди. Нафас олиш тизими фаолияти бузилади, юрак ва нафас фалажланиши туфайли, ўлим содир бўлиши мумкин.

Беморга фақат касалхонада даволаниб, зардоб, сунъий нафас олдириш аппаратларни ўз вақтида қўллаш яхши наф беради.

Касалликнинг олдини олиш учун уй шароитида консерва ва озиқ-овқат тайёрлашда консерва тайёрлаш қонун-қоидаларига қатъий амал қилиш санитария талабларини ўрнига қўйиш талаб этилади.

Н.АМАНОВ,
Бекобод тумани ФВ бўлими
ФВДТ ва ФМ бошлиғи, майор.

ЗАҲАРЛАНИШДАН ЭҲТИЁТ БЎЛАЙЛИК!

Маълумки, куз фаслининг кириб келиши билан кунлар совиб, аҳоли орасида табиий газга бўлган талаб ортади. Аҳоли яшаш хонадонларида уйни иситишга бўлган эҳтиёж сезилади.



Ўтган йилларга назар ташлайдиган бўлсак, табиий газдан уйни иситиш ва бошқа мақсадларда нотўғри фойдаланиш оқибатида аҳоли орасида ис газидан заҳарланиш ҳолатлари кўпайиб учраб турибди. Бунга сабаб эса аҳоли яшаш уйларида иситиш мақсадида қурилган ёки сотиб олинган қўлбола газ печларидан фойдаланиш, кўп қаватли уйларда эса газ плиталарининг ёки қўйилиши, шунингдек, мўриларни тозаламаслик, уйларда ҳаво айланмасининг йўқлиги ва қўлбола газ жиҳозларидан нотўғри фойдаланишидир. Кузқиш мавсумида ис газ билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишда бир қатор зарур қоидаларга амал қилсак, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Кўп қаватли уйлардаги газ плиталаридан фақат овқат таёрлаш мақсадида фойдаланиш ва уйни тез-тез шамоллатиш жуда муҳим. Уйда ва бошқа хонада газ ҳиди сезилганида зудликда тегишли соҳа ходимларига хабар бериш, чироқни ёқмаслик, ёниқ бўлса, ўчирмаслик зарур.

Шуни унутмаслик керакки ис газ барча ёнувчи маҳсулотларнинг чала ёниши натижасида ҳосил бўлади.

И.ҚЎЗИБОЕВ,
Янгийўл тумани ФВ бўлими
бошлиғининг ўринбосари, капитан.

Э.АТАБЕКОВ,
бўлим ФВДТ ва ФМ бўлими бошлиғи,
катта сержант.

Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида бугунги кунда 15 та ер ости сув олгичлари(гидрантлар), 40 та сув ҳовузлари мавжуд бўлиб, уларнинг соҳа ҳолатида бўлиши туман ФВ бўлими томонидан доимий равишда текшириб борилмоқда.

СУВ МАНБАЛАРИ ҲОЛАТИ



Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўтказилган ўрганишлар давомида 3 та ер ости сув олгич (гидрант)ларнинг носоз эканлиги, яна иккитаси турли сабабларга кўра, кўмиб юборилганлиги аниқланди. Шунингдек, аниқланган хизмат муддатини ўтаб бўлган 6 та сув ҳовузлигига мутасадди корхона ва ташкилотлар иштирокида далолатномалар расмийлаштирилиб, мутахассислар томонидан соҳа ҳолга келтирилди.

Ёнғинга қарши сув манбаларининг соҳа ва ишчи ҳолатда бўлиши ёнғинларни қисқа фурсатда кам талафот билан ўчириш имконини беради. Акс ҳолда, сувни бошқа манбадан цистерналарда ташиб келишга тўғри келади. Бу эса қўшимча вақт, куч ва воситалар талаб этади. Ҳар бир сония ғанимат ҳисобланган ёнғин ўчириш жараёнида эса бу катта йўқотиш демакдир. Шу сабабли ёнғинга қарши сув манбаларининг соҳа доимий назорат остида бўлмоғи лозим.

Мунаввар САФАРҚУЛОВ,
Пахтакор тумани ФВ бўлими
ёнғин-қутқарув қисми бошлиғи.



Vaziyat

газетаси

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқуллода
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЮНОВ

Газета тахририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи
М.САНАЕВ

Тахририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят
нуқтаи назаридан фарқланиши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Тахририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4.
Тел.: (71) 235-58-49,
(90) 996-36-77
(99) 012-19-59
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун — 382

Газета
“BUSINESS PRINT PLUS” МЧЖ
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 6650 нусха